

Жой намозга сиғмасам

09:25 / 04.05.2018 5165

Савол:

Ассалому алайкум! Мани бир оёғим яхши букилмайди. Намоз ўқигани масжидларга борганимда намоз вақти бошимни жойнамозга қўйганимда ҳалиги чап оёғим орқамдаги одамни бошига тегиб кетади. Бир хил пайтлари яъни манга масжиддаги жой намозлар кичиклик қилади. Ёки саждадан тураётганимда олдимдаги одамни юмшоқ жойи бошимга тегиб кетади. Ўшанда намозим бузиладими? Ёки икки оёғимни қиблага узатиб намозимни ишора билан ўқийверайми?

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Пешонангизни ерга қўйиб [сажда](#) қилинг. Бунинг учун энг чеккадан орқангизда ҳеч ким турмайдиган жойни танланг. [Сажда](#) қилишга имкониятингиз бўлатуриб ишора билан ўқишингиз жоиз бўлмайди. [Фарз адо](#) бўлмайди. Бош тегиб кетиши намозни бузмайди. Валлоҳу аълам!